



## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ВА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 апрель куни аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, 2020 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбарининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш тўғрисида фармони, тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қарори қабул қилинган эди. Уларга мувофиқ, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва даволаш услубларини ўзгартириб, бу борада янги тизим ташкил этила бошланганди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижроси ҳақида сўз борар экан, Президент учта саволни ўртага қўйди:

биринчи — жорий этилган янги тизим бўйича тиббий харита шакллантирилгани, аҳолининг хавф гуруҳларига бўлингани нимани кўрсатди?

иккинчи — маҳаллалар кесимида тиббиёт бригадалари шакллантирилиб, аҳоли билан манзилли ишлай бошлаганидан қанча одам рози бўлди?

учинчи — тиббиёт муассасаларида қайси хизматлар бепул бўлди?

Ҳозирги аҳвол талабга жавоб бермаётгани, соҳадаги ўзгаришларни аҳоли тезроқ сезиши кераклиги таъкидланди. Ислохотларни жадаллаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Бош вазир ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазири ва унинг ўринбосарларидан масъуллар бириктирилди.

Президентнинг 12 ноябрдаги яна бир қарорига қўра, Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий сўғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синув ўтказилди. Йиғилишда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи мазкур янги тизим натижалари ҳақида ҳисобот берди.

Айтиб ўтилганидек, Сирдарё вилоятининг 236 та маҳалласини тўлиқ қамраб олиш учун 421 та тиббиёт бригадаси ташкил этилган. Аҳолининг саломатлик ҳолати хатловдан ўтказилиб, улар 4 та хавф гуруҳига ажратилган ва вилоятнинг "электрон тиббий харитаси" яратилган.

Мисол учун, Боевот туманида 31 минг аҳоли ўзини соғлом деб билса-да, ортиқча вазн, нотўғри овқатланиш, зарарли одатлар туфайли уларда юрак-қон томир, диабет, ўпка касалликларига чалиниш эҳтимоли юқори экани аниқланган. Шунингдек, илгари шифокорга мурожаат қилмаган 257 нафар фуқарода касалликлар оғир босқичда экани маълум бўлган.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани тизимли давом эттириб, барча ҳудудларда жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунинг учун кишлоқ ва маҳаллаларда тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, аҳолини манзилли кўриқдан ўтказиш ва даволаш ишлари олиб борилади, ҳудудларнинг "тиббий хариталари" шакллантирилади.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг вертикал иш тизимини тақомиллаштириб, уларни оилавий шифокор

пунктлари билан боғлаш зарурлиги таъкидланди. Яъни, беморларни овора қилиб пойтахтга юбормасдан, уларга яшаш жойида малакали тиббий ёрдам олиш имкониятини яратиш керак.

Ўтган йили ихтисослаштирилган марказларда даволанишга муҳтож 84 минг нафар бемордан атиги 51 минг нафари бепул ордер билан таъминланган.

Президент ордерлар учун маблағни деярли 1,5 бараварга кўпайтириб, қўшимча 80 миллиард сўм ажратиб бўйича Молия вазирлигига кўрсатма берди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга, йил якунига қадар ҳар бир беморни соғломлаштириш манзили ва муддатларини белгилаб, даволашни ташкил этиш бўйича вазифа қўйилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ўз йўналиши бўйича ҳудудлардаги 3 мингдан зиёд оилавий шифокорни қисқа муддатли курсларда ўқитадиган бўлди.

Яна бир масала — бугунги кунда донор беморнинг яқин қариндоши бўлмаса, трансплантацияга рухсат берилмаган. Оқибатда, кўпчилик фуқароларимиз бундай амалиётни чет элда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шу босис инсон аъзолари трансплантациясининг қонуний асосларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда хусусий тиббиёт ташкилотлари учун барча ҳуқуқий асослар, имкониятлар яратилган. Лекин ҳудудларда касалликларнинг турига қараб, хусусий шифо масканларини ташкил этиш ишлари етарли даражада эмаслиги қайд этилди.

Мисол учун, аҳоли орасида эҳтиёж юқори бўлган гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича хусусий клиникалар етиштирилади.

Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириш, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларини компьютер томография билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Соҳадаги коррупция иллатига ҳам тўхталиб ўтилди. Ўтган йили тизимда 30 миллиард сўмдан ортиқ маблаг талон-тарож қилингани айтилди. Шунинг учун, таъсирчан назорат тизимини ўрнатиб, ажратилаётган маблағлар жойига етиб бориши, дори-дармон ва тиббиёт ускуналарининг очиқ-ошқора сотиб олиниши, пуллик хизматлардан тушумлар мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, бу борада чекка ҳудудларда эҳтиёж юқорилигини инобатга олиб, "Қишлоқ шифокори" дастури қабул қилинган эди. Бундай жойларда ишламоқчи бўлган шифокорларга 30 миллион сўм пул берилиши белгиланиб, бу мақсадлар учун бюджетдан 20 миллиард сўм ажратилган. Лекин, орадан 4 ой вақт ўтган бўлса-да, бирорта талабгор билан

шартнома имзоланмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда олис ва чекка ҳудудлар учун 220 нафар шифокор зарур. Бундан ташқари, ҳудудларда 10 минг нафар тор мутахассис етиштирилади.

Шу босис келгуси ўқув йилидан клиник ординатуранинг қабул квотаси икки бараварга оширилиши белгиланди. Ушбу янги тизимда ординаторлар ўқув жараёнининг ярмини олийгоҳ ва ихтисослашган марказларда, қолган ярмини эса иш жойида давом эттиради. Вилоят ҳокимлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан грант ажратади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхтади.

— Жорий йил бошида кунига ўртача 30-40 нафар бемор аниқланган бўлса, март ойи ўрталаридан бу кўрсаткич 160-180 нафарни ташкил этмоқда. Касалликнинг ўта оғир кечиши, ҳаттоки ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Бунинг сабаби — кўпчилик фуқаролар хотиржамликка берилиб, тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби карантин талабларига бефарқ бўлиб қолди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазирга коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳудудий штаблар фаолиятини кучайтириш, тушуқун ишлайдиган "қол-марказ" лар ва мобил бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди. Дори-дармон ва химоя воситаларининг камиди 3 ойлик захирасини шакллантириш, ҳудудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

— Афсуски, бу балонинг охири кўринмапти. Европа давлатлари яна лоқдаунга қияпти. Қўшниларимизда ҳам аҳвол яхши эмас. Хавф ёнимизда юрибди. Шунинг учун оғоҳ бўлишимиз керак. Олдин қандай ишлаган бўлсак, шу тартибни тиклаймиз. Худо кўрсатмасин, шунча қилган ҳаракатимиз бекорга кетиши мумкин. Иқтисодиёт нуқтани назаридан жуда катта марралар кўйганмиз. Агар ёпилиб қолсак, бу натижаларга эришолмаймиз. Ҳеч қаерни ёлмаймиз, лекин тартиб-интизомни кучайтирамиз. Касалланганларни ҳам тез-тез даволаш чораларини кўриш керак, — деди Президент.

Апрель-июнь ойларидида хавф гуруҳига мансуб 4 миллиондан ортиқ аҳолини коронавирусга қарши эмлаш режалаштирилган. Ҳозирда 660 минг доза вакцина олиб келинган. Ҳукумат комиссиясига Хитойдан яна 3,5 миллион доза ва Россиядан 1 миллион доза вакцина сотиб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Фуқароларни яшаш манзили бўйича эмлаш кун ва жойи ҳақида хабардор қилиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича вазирлар, ҳокимлар ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикани инновациялар соҳасидаги глобал рейтингдаги илғор 50 та мамлакат рўйхатига киритишга қаратилган стратегик дастур тасдиқланди, илмий лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмлари жорий этилди, илм-фан соҳасида юқори малакали кадрларни молиявий рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилди.

Шундай бўлсада, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар илм-фан ва инновация соҳасида давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштириш, илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришда шаффофликни ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Миллий илм-фан ва инновация тизимининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини

ошириш, ҳудудларда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

1. Қуйидагилар Инновацион ривожланиш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) асосий вазифалари этиб белгилансин: мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни илм-фан ютуқлари ва инновациялар асосида ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш; ҳудудларнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш; илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш; илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизimini мувофиқлаштириш; ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Давоми 2-бетда

## НАВОЙИГА ЭҲТИРОМ

### ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЯТИНИНГ ҚУЁШИ



**Нурбой ЖАББОРОВ, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор**

Икки кундан буён кўнглимда севиңч ёғдулари порлайди. Фақат менми десам, бутун мамлакатимиз адабиёт аҳли, илму

Давоми 6-бетда

## ВАКЦИНАЦИЯ

### МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДИДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЭМЛАШ БОШЛАНДИ



**Хайриддинмурод АБУЛҲАЙЗОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

Давлатимиз раҳбари ўтган йили пандемия даврида тиббиёт соҳаси мутахассисларига бир неча бор мурожаат қилиб, коронавирусга қарши вакцина топилиши билан уни юртимизга келтириш учун барча зарур чоралар кўрилиши юзасидан тегишли топшириқлар берган, юртдошларимиз саломатлигини асраш энг муҳим вазифа эканини таъкидлаган эди.

Давоми 3-бетда

## МУНОСАБАТ

### МУШТАРАК ТАРИХИЙ РИШТАЛАР ВА ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ЁРУФ ИСТИҚБОЛГА ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ

Туркий кенгашга аъзо мамлакатлардаги муқаддас қадамжолар бўйлаб "Табаррук зиёрат" лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига қўшган бекиёс

ҳиссасини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни тақдир элди. Бу ташаббус саммит иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

— Туркий кенгаш жаҳон ҳамжамияти ва етакчи экспертлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва эътироф этилмоқда. Ушбу саммитда илгари сурилган тақдир ва ташаббуслар ҳам нафақат кенгашга аъзо мамлакатлар ҳудудида, балки, халқаро майдонда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муштарак тил, ягона тарих ва маданий ришталар асосида шаклланган Туркий кенгаш бугунги кунга келиб минтақавий ҳамкорликни самарали ривожлантиришнинг муҳим воситасига айланди.

Давоми 3-бетда



**Фурқат СИДДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари:**

31 март куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида норасмий саммити бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мустаҳкам тарихий ришталар, муштарак тил, маданият ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

Илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни кенг жалб этиш, хусусий сектор фаолиятини ошириш ва венчурга асосланган молиялаштиришни ривожлантириш;

инновацион ишланмалар асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг молиявий, иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларини табиқ этиш учун зарур шароитларни таъминлаш; иқтисодиётнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда тармоқ илмий-тадқиқотларни ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, интеллектуал мулк қатнашадиган янги таъкилотларни шакллантириш ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш;

илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, инновациялар ва технологиялар трансфери бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Куйидагилар Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишлари этиб белгилансин: биотехнологияларни ривожлантириш соҳасида биофармацевтик маҳсулотлар, рекомбинант ва ДНК вакциналар, биотибиёт таъхислаш технологиялари ҳамда худудлар хусусиятидан келиб чиқиб ген ва ҳужайра муҳандислигига асосланган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг янги биотехнологик навларини яратиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш соҳасида тупроқ ресурслари ҳолатини комплекс мониторинг қилиш тизими ҳамда ресурс тежамкор суғориш ва ўғитлантириш агротехнологияларини яратиш, бунда худудларда мобил лабораториялар тармоғини ташкил этиб, тупроқдаги мавжуд фойдали ва зарарли моддаларни аниқлаш асосида қишлоқ ҳўжалиги экинларининг агрохимёвий хариталарини ишлаб чиқиш; “сўнғий интеллект”ни жорий этиш соҳасида йўл транспорт инфратузилмаси, таълим ва суд тизимида “ақлли” инновацион технологияларни яратиш;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида муқобил ва экологик тоза энергия манбаи — “яшил” водородни ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллаш бўйича инновацион технологияларни яратиш;

чорвачиликни ривожлантириш соҳасида генетика усулларини қўллаш орқали чорва зотларининг генофондини кўпайтириш ва гўшт маҳсулдорлигини ошириш, ем-озуқа базасини кенгайтириш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қайта ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган қишлоқ ҳўжалиги техникасининг инновацион конструкцияларини ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг янги технологияларини яратиш.

3. Куйидагилар: Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги фаолият натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, чора-тадбирлар дастури доирасида:

Инновацион ривожланиш вазирлиги — лойиҳалар (ишланмалар)ни ташаббус қилиш (яратиш) ва амалга оширишда кўмаклашади, инновацион технологиялар ишлаб чиқишини мувофиқлаштиришда ҳамда белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради; илмий ташкилотлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар — ҳар бир лойиҳа (ишланма)ни амалга ошириш (яратиш) учун чуқур илмий-тадқиқот ва таъриба-конструкторлик ишларини амалга оширишда ҳамда уларнинг тегишли тармоқларга жорий этилишини таъминлайди.

Вазирлик чора-тадбирлар дастурида белгиланган лойиҳалар (ишланмалар)ни молиялаштиришга венчур жамғармалари ва хусусий сектор вакилларини кенг жалб қилсин.

4. Худудларда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида Вазирлик тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари (кейинги ўринларда — худудий бошқармалар) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки: Вазирликка юклатилган асосий вазифалар ва функцияларнинг худудлардаги ижроси худудий бошқармалар томонидан амалга оширилади; худудий бошқармалар томонидан шакллантирилган илмий фаолиятга оид худудий дастурлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш худудий бошқармалар зиммасига юклатилади;

худудлардаги илм-фан ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Инновацион фаолият ва технологиялар трансфери марказлари фаолияти худудий бошқармалар томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Инновацион ривожланиш ва новаторлик ҳўжларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси унга Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасини ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини қўшиб олиш йўли билан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки: Жамғарма мазкур банднинг биринчи хатбошисидаги ташкилотларнинг барча ҳўқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳўқуқий вориси ҳисобланади; илмий фаолиятга оид давлат дастурларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар Жамғарма томонидан молиялаштирилади.

6. Барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик ташкилотларда амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига инновацияларни жорий этиш (Chief Innovation Officer) вазифаси юклатилсин.

Инновацияларни жорий этиш вазифаси юклатилган раҳбар ўринбосарларнинг тегишли йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Вазирликка юклатилсин ҳамда уларнинг базавий лавозим маошига ҳар ойда 30 фоиз миқдорда устама тўлансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда инновацион худудга айланти-

рилаётган туманлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик (И.Ю.Абдурахмонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда бир ой муддатда 3-иловада кўрсатилган туманларни инновацион худудларга айлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлиги бошқарув аппаратида ҳокимликнинг умумий штат бирликлари чекланган сони доирасида туман ҳокимининг инновацияларни ривожлантириш мақсадлари бўйича ўринбосари лавозими (кейинги ўринларда — ҳоким ўринбосари) жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки: ҳоким ўринбосари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг тавсияномаси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Чуст туманида янги худудий инновацион инфратузилмалар яратиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида “Яшнот” инновация технопарки резидентларини экстерриториал тамойил асосида Чуст тумани худудида жойлаштиришга рухсат этилади.

9. Вазирлик томонидан илмий ташкилотлар рейтингни юритилаётганлиги ҳамда уларнинг илмий ва инновацион фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини баҳолаш тизимини жорий қилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Вазирлик томонидан ҳар календарь йил якуни бўйича илмий ташкилотларнинг ҳамда ҳар ўқув йили якуни бўйича олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолияти баҳоланади;

Вазирлик баҳолаш натижаларига кўра олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан, ректор (директор)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2021 йил 1 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

ҲАМКОРЛИК



РИШТОН – СЎХ ЙЎЛИ

ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Фарғона вилоятининг Риштон туманидан Сўхга боришда Қирғизистон орқали ўтувчи йўлнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Сўнғи йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган Ўзбекистоннинг изчиллик, жадаллик, пухта ва аниқ ечимларга асосланган ички ҳамда ташқи сиёсати ўзининг ҳаётийлиги, оддий одамлар узоқ кутган эзгу ислохотлар сифатида ҳам халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Жумладан, “Риштон” божхона чегара постининг очилиши ҳам бу борадаги эзгу ишларнинг амалий натижаси бўлди.

Чегара мажмуасида Қирғизистондан ташриф буюрган меҳмонлар кенг жамоатчилиги ҳамда ёшлар вакиллари иштирокида карнай-сурнай садопари остида кутиб олинди. Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, Боткен вилояти губернатори Омурбек Суваналиев ва бошқалар Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон ўртасида барча соҳаларда алоқалар кенгайтиришга қаратилган, хусусан, чегара-олиди худудларнинг ҳамкорлиги тобора фаоллашаётганини таъкидлади.

— Бугун икки халқ учун ҳам тарихий воқеа бўлди, — дейди Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров. — Сўнғи йилларда мамлакатлар ўртасидаги

муносабатлар мустаҳкамланиб, дўстона алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Қардош мамлакатларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшнчилик ришталари ботлаб туради. Қарийб ўн йилдан буён ёпиқ бўлган чегара постларимизнинг очилишини икки давлат фуқаролари шодиёна билан кутиб олди.



Дарҳақиқат, чегара постларининг очилгани ҳақидаги хушхабар икки қардош халқ учун катта хурсандчилик бўлди. — Президентимизнинг сиёсий жасорати туфайли кўшнларимиз билан илқилиқ, борди-келди бошланди, — дейди сенатор Топиқболди Холдоров. — Мана яқинда Қирғизистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга ташрифи доирасида жуда катта келишувларга эришилди. Жумладан, бугунги тадбир ҳам икки мамлакат Президентларининг сиёсий иродаси маҳсули, деб бемалол айта оламиз.

— Кўп йиллардан бери ўртадаги алоқаларимиз узилиб қолган эди, — дейди қирғизистонлик меҳнат фахрийси Нурали Мирзаев. — Биз азалдан қон-қариндош, қуда-анда бўлиб яшаганмиз. Бугун мана “Риштон” божхона чегара постининг очилиши билан алоқаларимиз яна тикланиб, қалбларимизга қувонч тўлди. Бунинг учун икки мамлакат Президентларига катта раҳмат айтамыз. Дарҳақиқат, тинч ва тотув юртга мана шундай байрамлар ярашади. Тантанали маросим Сўх туманида давом этди. Дўстлик, меҳр-оқибатни тараннум этувчи куй-кўшиқлар янгради.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ ОЛИЙ МУҲАНДИСЛИК МАКТАБИДА ЖОРИЙ ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ДАРСЛАР БОШЛАНАДИ

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида Берлин техника университети (БТУ) ва Тошкент шаҳридаги Ёзу техника институтини (ТЭТИ) ўртасидаги ҳамкорлик битимини онлайн шаклда имзолаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда икки олий ўқув юрти раҳбарияти, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Германия академик алмашинув хизмати вакиллари иштирок этди.

БТУ Германиянинг энг машҳур университетларидан бири бўлиб, 250 йилликдан ортиқ тарихга эга. Германиянинг “TU9” йирик техника университетлари уюшмаси ва TIME (Top Industrial Managers of Europe) ассоциациясига аъзо. “Top 100 universities for engineering and technology” рейтингига кўра, у дунёда 57-уринни эгаллаб турибди. Университет битирувчилари орасида 9 нафар Нобель мукофоти соҳибни бор. Олий ўқув юрти тарихида 90 та академик бинода жойлашган қатор институтларни ўз ичига олган 7 та факультет мавжуд. Бу ерда 320 дан ортиқ соҳа бўйича мутахассислар тайёрланади. 2 минг 400 дан зиёд ходим фаолият олиб борадиган университетда 36 минг нафарга яқин талаба таҳсил олади. Уларнинг деярли учдан бир қисмини чет эллик йигит-қизлар ташкил этади. Асосий тадқиқотлар киберфизик тизимлар, энергетика, ресурслардан оқилана фойдаланиш, экология, дизайн, янги материаллар яратиш технологияси ва ишлаб чиқаришни оптималлаштириш каби соҳаларда олиб борилаётган.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг 30 дан ортиқ олий ўқув юрти Германия олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, турли қўшма илмий-тадқиқот ва ўқув лойиҳаларида қатнашиб келмоқда.

БТУ ва ТЭТИ ўртасида имзоланган ҳужжат олий таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг мутлақо янги сифатини ифодалайди, зеро бу Ўзбекистон-Германия қўшма олий муҳандислик мактабини яратишни назарда тутувчи Ўзбекистон ва Германия университетлари ўртасидаги дастлабки келишувдир.

Немис муҳандислик санъати ўзига хос бренд, яъни Германиянинг “ташриф қозғони”га айланган. Шу боис Ўзбекистонда германиялик ҳамкорлар билан, авваломбор, муҳандислик-техника соҳасида қўшма таълим муассасасини яратиш катта қизиқиш уйғотмоқда, чунки республиканинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти

турли соҳалар учун юқори малакали техник мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда.

Янги ташкил этилаётган Ўзбекистон-Германия қўшма олий муҳандислик мактабида Германияда қабул қилинган стандартлар ва талабларга мувофиқ санъат учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш ва Германия компанияларини Ўзбекистон бозорига жалб этиш режалаштирилган.

Дастлабки босқичда бакалавриатнинг иккита янги йўналиши — “Электротехника” ва “Космик техника ва технологиялар” йўналишлари бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шуниси диққатга сазоворки, ўқув дастурларининг устувор йўналишларини белгилашда Берлин техника университети космонавтика соҳасидаги таълим ва тадқиқот дастурлари бўйича жаҳонда тан олинган илғор марказларидан бири бўлгани боис “фазо” йўналишини танлангани тасодиф эмас. Бугунги кунда, Ерга яқин орбитада БТУ томонидан ишлаб чиқилган 20 дан ортиқ сўнғий йўлдош парвоз қилмоқда. Университетнинг “EXOLAUNCH GmbH” шўъба корхонаси Германияда энг кичик (pico) космик аппаратлар ишлаб чиқарувчилардан бири ҳамда “Союз” ва “FALCON-9” ракета ташувчиларда ишга тушириш хизматларини кўрсатувчи Европанинг энг йирик провайдерли хисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ерни масофадан зондаш, геоахборот тизимлари, аниқ рақамли қишлоқ ҳўжалиги ва навигация ускуналари каби фазо билан қамбарчас боғлиқ соҳаларда мутахассислар тақчиллиги кабатилмоқда. Шу боис Германия университети билан ҳамкорлик бу соҳаларда мавжуд кадрлар тақчиллигини бартараф этишга қаратилган.

Таълим жараёнида Европа Иттифоқи ва Германия томонидан молиялаштирилган дастурлар доирасида талабалар мобиллиги дастурини фаол ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Икки мамлакатнинг етакчи корхоналарида ёзги ва қишки мактаблар ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш режалаштирилган. Шу билан бирга, мазкур истиқболли таълим лойиҳаси нафақат Германия ва Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатларнинг университет ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳамкорлар учун ҳам очик бўлади.

Муҳандислик мактабида таълим инглиз тилида олиб борилади, айрим фанлар немис тилида ўқитилади. Жорий йил сентябрь ойида олий таълим маскани дастлабки талабаларга ўз эшикларини очили қутулмоқда.

Берлин.

“Дунё” АА.

ВАКЦИНАЦИЯ

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДИДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЭМЛАШ БОШЛАНДИ

Бошланғичи 1-бетда

Президентимизнинг топшириғига биноан олиб берилган изчил ва самарали саъй-ҳаракатлар туфайли 1 апрелдан мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши оммавий эмлаш тадбирлари бошланди.

Апрель ойи давомида Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги 219 та эмлаш пунктида 142,3 минг киши эмланиши режалаштирилган бўлиб, биринчи навбатда, 65 ёшдан катталар ва коронавирус инфекциясини юқтириб олиш хавфи юқори бўлган тиббиёт ходимларини эмлаш кўзда тутилган. Кейин сурункали касалликка чалинганлар, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари, Қуролли Кучлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари эмланади. Зеро, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияси ва дунёдаги бошқа давлатлар тажрибаси ҳам касалликни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган аҳоли вакиллари — 65 ёшдан катталар, тиббиёт ходимлари, сурункали касалликлари туфайли диспансер назоратида турганларни биринчи галда оммавий эмлаш заруриятини кўрсатмоқда. Вакцинация жараёнида ZF-UZ-VAC2001 — ўзбек-хитой вакцинаси ва Европанинг AstraZeneca вакцинасидан фойдаланиляпти.

Эмлаш тадбирлари учун мамлакатимиз бўйлаб 3 минг 138 та эмлаш пункти ва 862 та ҳаракатдаги тиббий бригада шай ҳолатга келтирилди. Худудларга вакциналарни ташиш учун COVAX дастури доирасида 17 та авторефрижератор, 206 та юк ташувчи минивен ва 16 та энгил автотранспорт воситаси етказилди. Жараёнга 4 минг нафардан ортиқ шифокор ва 11 минг нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходими жалб қилинган.

Айни пайтда Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этилган аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмлаш пунктларида вакцинация жараёни бошланди. Юртдошларимиз ўзи ва яқинларининг саломатлигини уйлаган ҳолда вакцина қабул қилляпти.

Жумладан, Андижон шаҳридаги тиббиёт муассасаларида ўтказилаётган эмлаш тадбирлари ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига мувофиқ уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Поликлиникамиз 81 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Шулардан 3 минг 226 нафари 65 ёшдан юқори бўлган фуқаролардир. Эмлаш тадбирига аҳоли орасида вакцинациянинг нечоғли муҳимлиги ҳақида изчил тушунтириш, тарғиб-ташвиқот ишларини ўтказдик. Юртдошларимиз жараённинг аҳамиятини қай даражада тушунганини бугун эрталабдан эмлашни учун келган отахон ва онахонларнинг юзига қараб билдик. Уларнинг жараёнга чин дилдан, масъулият ҳис этиб ёндаш-



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

ганидан мамнун бўлдик, — дейди Андижон шаҳридаги 1-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Шоира Комилова. — Ҳозир иккита хонада уч шифокор ва тўрт нафар ҳамшира фуқароларни эмляпти. Фавқулодда вазиятлар ва соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари, реаниматолог, иммунолог жараёни кузатиб бораёпти. Ҳар эҳтимолга қарши тўртта реанимация койкаси ҳозирлаб қўйилган. Минг қатла шукри, ҳозирча эмланганларда бирор ноҳус аломат кузатилмади. Жумладан, поликлиникамизнинг аксарият тиббиёт ходимлари эмланди. Ўзимизни яхши ҳис этяпмиз.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 47-сонли оилавий поликлиникада ҳам эмлаш жараёни давом этмоқда. Вакцина қабул қилишга келган фуқароларни тиббиёт ходимлари аввал тўлиқ тиббий текширувдан ўтказяпти. Эмланганларга улар амал қилиши зарур бўлган тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда.

— Эрта тонгдан эмлаш жараёни бошлаб юбордик. Махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ҳамширалардан иборат учта бригадамиз эмлаш тадбирларини амалга оширмоқда. — дейди поликлиника бош шифокори Нилуфар Қувнақова. — Муассасамиз 29 минг 132 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Эмлашнинг биринчи босқичида 6 минг 500 нафар аҳоли камраб олинди. Худудимизда 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли вакиллари 655 нафарни ташкил этади. Диспансер назоратида бўлган 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган фуқаролар 5 минг 368 нафар бўлса, тиббиёт ходимлари 103 нафар, мактаб ва боччада фаолият юритувчилар эса 370

нафардан ортиқ. Улар биринчилар қатори эмланди. Поликлиникага келиш имконияти бўлмаган беморлар учун махсус мобил тиббий ёрдам хизмати ҳам ташкил этилган. Улар фуқароларни уйларига бориб вакцинация қилмоқда. Кўплаб тиббиёт ходимлари қаторида ўзим ҳам коронавирусга қарши эмландим.

Худудлардаги аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмлаш пунктларида вакцина қабул қилган юртдошларимиз давлатимиз томонидан яратилган бу имкониятдан унумли фойдаланишга интиляпти. Жумладан, Гулистон шаҳридаги "Боғишомон" маҳалласида истикомат қилувчи 85 ёшли Ким Галина ҳам бугун эмланди. Момонинг айтишича, у ўтган йили коронавирус хасталигига чалинган. Бироқ хасталикни энгил ўтказгани учун уйда даволанган. То соғайиб, оёққа тургунча поликлиника шифокорлари соғлиқини мунтазам назорат қилиб туришди. Эмлаш жараёни бошлангач, коронавирусга қарши вакцина олишга биринчилардан бўлиб келди.

Пандемия давом этаётган айни кунларда саноқли давлатлардаги эмлаш тадбирлари ўтказилляпти. Сабаби, биринчи навбатда, ишончли вакцина топиш долзарб масала бўлса, иккинчидан, жараёни ташкил этишга сарфланган маблағ ва бошқа ресурслар коронавирус туфайли бир муддатлик иқтисодий турғунликдан чиққан ўлкаларга қийинчилик туғдирмоқда. Аҳолисини вирусга қарши эмлатаётган камсонли мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам борлиги юртимизда инсон қадр-қиммати, саломатлиги ҳамма нарсадан устувор масала эканига ёрқин далилдир.

ИНТЕРВЬЮ

Мамлакатимизда халқ саломатлигини муҳофаза этиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, юртдошларимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари пандемия шароитида тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Кунни кеча давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

## АҲОЛИНИНГ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ — АСОСИЙ МЕЗОН

**Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,**  
Республика Санитария-эпидемиологик оқшоғли ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи:

— Видеоселектор йиғилишида тиббиётнинг бирламчи бўлинига — қишлоқ врачлик пунктлари, марказий поликлиникалар ва оилавий поликлиникалар иш жараёнини намунали тарзда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланди.

Жумладан, биринчи навбатда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя этиш, жисмоний фаолликни оширишнинг фойдали жиҳатларини тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада юртдошларимизни хатлов асосида кўридан ўтказиб, тўрт хавф гуруҳига бўлиш, улардан ҳар бирининг ўзига хос муаммоларини аниқлаш ва гуруҳлар билан алоҳида-алоҳида ишлаш вазифаси берилди.

Бу борада нафақат соғлиқни сақлаш тизими, балки бошқа вазирлик ва идоралар ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши лозимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, учинчи-тўртинчи хавф гуруҳига мансуб аҳолини соғломлаштириш бўйича топшириқ ва тавсиялар берилди. Чунки бу гуруҳларга кирувчи шахслар тегишли диспансерлар рўйхатида турган фуқаролар бўлиб, улар билан ҳам алоҳида-алоҳида ишлаш вазифалари белгиланди.

Биринчи ва иккинчи хавф гуруҳлари билан, асосан, соғломлаштириш, жисмоний фаоллик ва тўғри овқатланиш масалалари бўйича шуғулланиш муҳим аҳамиятга эга бўлса, учинчи ҳамда тўртинчи гуруҳда эса аҳоли билан ишлаш алоҳида эътибор талаб этади. Хатловдан ўтказилган кейин уларни соғломлаштириш масаласига эътибор қаратишимиз керак. Асосий мақсадимиз тўртинчи гуруҳдаги аҳолини учинчи гуруҳга, учинчи гуруҳдагиларни, ўз навбатида, иккинчи гуруҳга тушириш ва албатта соғломлаштиришдир.

**Рустам ЙЎЛДОШЕВ,**  
Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

— Президентимиз 2020 йилда Сирдарё вилоятида тиббиёт кластерини ташкил этиш

ғоясини берган эди. Ўтган муддат давомида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Тиббиёт кластерида бир-бирига яқин ва ўхшаш шифохоналар бир жойга жамланиб аҳолига хизмат кўрсатилади. Бу, ўз навбатида, тиббий жиҳоз ва кадрлардан самарали фойдаланиш, пировардида, тиббий хизматлар сифатини ошириш имконини беради. Кластер базасида тиббиёт институти ташкил этилади. Туркиядаги кўп тармоқли тиббиёт институти билан ўзаро келишувга эришилган. Кластер ана шу тиббиёт институти билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бу борада ҳозир лойиҳа ишлари олиб бориляпти. Апрель ойининг ўрталарида қурилиш ишлари бошланади. Тиббиёт кластерлари Ўзбекистоннинг келажаги, деб ўйлайман. Ана шундай йўл билан кадрлар тақчиллигига барҳам берилди. Кластер қосидаги тиббиёт институтининг 5-, 6-босқич талабалари амалиётни Туркия шифохоналарида ўтказиш имкониятига эга бўлади.

**Шавкат АБДУРАЗЗОКОВ,**  
Наманган вилояти ҳокими:

— Видеоселекторда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш бўйича бажарилаётган ишлар муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида энг асосий мезон давлат тиббий хизматларидан одамлар розилигига эришиш экани таъкидланди. Наманган вилоятида бошланган тажрибани, яъни республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг "маҳаллабай" ишлар тизимини мамлакатимиз бўйлаб жорий этиш вазифаси берилди.

Наманган вилоятида республикаимизнинг 17 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази ва бешта тиббиёт олий таълим муассасаси етакчи мутахассислари келиб, бир ой давомида маҳаллабай ҳар бир хонадонга кириб чиқди. Мураккаб муолажага муҳтож, оғир аҳволдаги беморларни аниқлаб, уларни вилоятнинг ўзига даволалш чоралари қўрилди. Жумладан, кам тавминланган, "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган 174 нафар фуқаро Наманган вилоятининг ўзидан республиканинг етакчи мутахассислари томонидан мураккаб жарроҳлик амалиёти ёрдамида даволанди.

МУНОСАБАТ

Бошланғичи 1-бетда

# МУШТАРАК ТАРИХИЙ РИШТАЛАР ВА ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ЁРУФ ИСТИҚБОЛГА ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ



Ўзбекистоннинг бу кенгаш ишида иштирок этиши юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга янги маъно-мазмун бахш этиб, жамият тараққиётида янги ва истиқболли йўналишларни очмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Кенгаш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ташаббуслари эса нафақат халқимиз, балки инсониятнинг эртанги тараққиётига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Масалан, кенгашга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини тиклашга қаратилган яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқиш ташаббусини олайлик. Бу ғоянинг рўёбга чиқиши глобал инкирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва ҳамкор давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт, инвестиция ҳамкорлигини тезлик билан тиклашга замин яратади.

Яна бир муҳим ташаббус — биргаликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш масаласи ўрғана ташланди. Бу борада фаолиятни ташкил этиш учун Туркий Кенгашнинг ўз Инвестициявий жағмармаси ҳамда Тараққиёт банкни ташкил этиш тақлиф этилди. Бу мақсадларнинг рўёбга чиқиши давлатларнинг иқтисодий ривожланишига туртки бўлади ва ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини белгилаб беради.



— Одам аҳли билинаевким, иш эмас бушманлиғим, ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг жаҳоний бир аҳамият, жаҳоний бир даъват касб этган бу байтлари Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг ўзига хос бир широридек жаранглаб турибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев туркий кенгаш минбаридан туриб Алишер Навоий номидаги халқаро муқофотни таъсис этиш тўғриси-

**Минҳожиддин МИРЗО,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:

даги ташаббусни айтганларида бутун туркий олам вакиллари калбини зўр ҳаяжон чулғанди. Бугун дунё аҳли Алишер Навоий орқали ўзбек халқига, юксак маънавиятимизга ҳурмат ва эҳтиром билдираётган бир пайтда ушбу ташаббус бизнинг бу қутлуғ кунларимизга жуда ярашди. Бу ажойиб тақлифнинг қўллаб-қувватланиши туркий оламда маънавият ва адабиётнинг ривожланишига жуда катта рағбат ва туртки бўлиб хизмат қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий бундан беш-олти аср олдин ўз асарлари орқали бугунги кунимиз авозини англагандек гўё. Адабий ва маънавий ҳамкорлик қанчалар катта куч эканлигини башорат қилгандек...

Одам аҳли қўриб-билиб турган қанча офату балоларни шу кунларгача энгил келган башариёт бугунги кунда меҳрга, шезьрга, халқаро майдонда донг таратган

катта адабиётга ҳам эҳтиёж сезаётгани рост.

Шу дамларда Алишер Навоий бобомизнинг мана бу мисралари ҳам беихтиёр ёдимизда келади:  
*Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Ҳа, Навоий бобомиз бутун турк оламини ўз истеъдоди, юксак салоҳияти билан яққалам қилиб кетди. Шу боис азалдан маърифат борасида илғим тўқ халқимиз. Алишер Навоий номидаги халқаро муқофотнинг таъсис этилиши туркий тили давлатларини бир-бирига яқинлаштиради, уларни бир-бирига боғлагувчи маънавий робита вазифасини бажаради. Биз бу хушхабарни Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган тинчликпарварлик сиёсатининг яна бир ғалабаси сифатида қабул қилдик.



**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Алишер Навоий бобомиз, "Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, Муайян турк улуса худ менингу" дея бежиз айтмаган эди. Мана мутафаккир бобомиз орузу қилган кунга ҳам етиб келдик. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркий кенгашнинг норасмий саммитида билдирган тақлифларнинг қўллаб-қувватланишида ана шу

эҳтиром яққол намоён бўлди. Аслида, маънавий меросимизга, ота-боболаримизга, олимпаримизга бўлган ҳурмат бизга улуг аждодларимиздан ўтиб келаётган ажойиб фазилатдир. Бунинг билан Амр Темур бобомиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Соҳибқирон Амр Темурнинг Яссавий ҳазратларига бўлган муҳаббатини, уларга шоғирдик мақоми сифатидаги муносабатини Туркистон шаҳридаги Яссавий мақбарасини қурдирганлигидан ҳам билиб олсак бўлади.

Саммитда давлатимиз раҳбари илгари сурган ғоялардан бири, бу — зиёрат туризмининг ривожлантириши, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, унга илмий ёндашиш ҳамда ўрганишдан иборат бўлди. Бу аънава туркий

халқлар, айниқса, Ўзбекистонда қадим-қадимдан ривожланиб келляпти. Масалан, Бухородаги етти пир макбараси, Абдуқолиқ Ғуждувоний ижодининг ўрганилиши, ҳадисшунос олим Имом Бухорий ҳадисларига бутун ислом оламнинг эҳтироми. Буларнинг барчаси нафақат туркий халқлар, балки бутун инсоният тафаккури ривожига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожатномасида ҳамда йил дастурини ҳам маданий меросни ўрганиш, уни асраб кейинги авлодларга етказиш фикри ўз аксини топган. Зеро, зиёрат туризми қанчалик ривожланса, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, қадриятларнинг бардавомлигини таъминлашга эътибор кучаяди.



**Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимизнинг сиёсий иродаси, очик ва амалий таққи сиёсати натижасида Марказий Осиёда вазият ўзгарди, минтақа давлатлари ўртасида дўстона алоқалар мустаҳкамланди. Айни вақтда иқтисодий, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда Туркий кенгашга аъзо давлатлар ва халқларнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши аъзолари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга доир муҳим йўналишларга тўхталиб ўтди. Булар, энг аввало, иқтисодий, савдо, транспорт соҳаларидаги кўп қирра-

ли амалий ҳамкорликни ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Транспорт йўналишларининг интеграциялашган тармоғини яратиш, дунё ва минтақадаги асосий бозорларга чиқиш масаласи ҳам манфаатларимизга мос келади. Таъкидлаш керакики, мустаҳкам тарихий ришталар, муштарак тил, маданият ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши минтақавий муносабатларнинг самарали механизмига айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Туркий кенгашга аъзо мамлакатлардаги муқаддас қадимларни бўйлаб "Табаррук зиёрат" лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда зиёрат туризмининг ривож-

лантириш дастурини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Мазкур ташаббус динимиз тарихида беқиёс из қолдирган улуг боболаримиз мероси билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш ва зиёрат туризми ривожига янада кенг йўл очади. Демак, зиёрат туризмининг ривожлантириш дастури қабул қилиниши натижасида минтақавий туризм равнақ топади. Ўзбекистон учун катта имкониятлар очилади, энг муҳими, диёримизга келадиган сайёҳлар оқими кўпаяди. Шу жиҳатдан Президентимизнинг "Туркий дунёнинг маданий пойтахти" мақомини олган Хива шаҳрида жорий йил сентябрь ойида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро форум ўтказиш тақлифи жуда долзарбдир. Мазкур фо-

рум туркий халқларнинг дунёвий фанлар ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини ва бой маданий меросини чуқур ўрганиш, турли тадқиқотлар олиб бориш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб этиш ишларини янада кучайтиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Ўз навбатида, мазкур ташаббус кўнжа ва қадимий шаҳарнинг сайёҳлик жозибаси жаҳонда янада кенгроқ намоён бўлишига бир туртки вазифасини ўтади. Муҳтарам айтганда, мамлакатимиз ушбу ташкилот ишини янада кучайтириш, унинг кун тартибининг янги ғоялар ҳамда аниқ тақлифлар билан бойитиб боришда фаол қатнашмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва ўрни тобора мустаҳкамланишига хизмат қилади.

БУГУННИНГ ГАПИ



# СОЯ, КУНГАБОҚАР, КУНЖУТ, ЗИФИР...

## Ё-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КЎПАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Абдураф ҚОРЖОВОВ,**  
иқтисодий шарҳловчи

Кейинги пайтда жаҳон бозоридида нефть, пахта, газ ва электр энергияси нархи пасайиб, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб бораётди. Хусусан, ўсимлик ёғи нархи ўртача 20-25 фоиз ўсган. Кўпга давлатлар ун, дон, гуруч, картошка каби ёғ-мой маҳсулотларини ҳам экспорт қилишга чекловлар ўрнатган.

Умуман олганда, бутун дунёнинг балою офатига айланган пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Бинобарин, шундай вазият юзга келишини олдиндан кўра билган давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 29 апрелида ва шундан кейин ўтказилган қатор видеоселектор йиғилишларида пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этиш йўллари белгилаб берган эди.

Аҳолини ўсимлик ёғи билан таъминлаш муҳим масалалар сирасига қиради. 2020 йил кўклатида ёғ-мой маҳсулотлари қувватларининг атиги 46 фоиздан фойдаланилган, хомашёнинг 90 фоизини чигит ташкил қилган. Шу боис, Ё-мой саноати корхоналари уюшмаси зиммасига соя, махсар, кунгабоқар каби мойли экинлардан олинган маҳсулотни 40 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилган эди.

Мана, орадан қарийб бир йил ўтди. Шу вақт мобайнида бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Жалб этилаётган инвестициялар, жорий этилаётган янги ишланмалар аҳолини ёғ-мой маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлашга қандай таъсир кўрсатяпти?

Хозирги шарҳда шу каби масалалар хусусида сўз боради.

### ТИЗИМНИНГ ИНВЕСТИЦИВ ИМКОНИЯТЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 16 январдаги "Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, Ё-мой саноати корхоналари уюшмаси ташкил этилди. Айни пайтда унинг таркибидида 240 дан ортиқ йирик ва кичик корхона мавжуд, улар томонидан 60 турдаги ва 200 дан ортиқ хилдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

— Инвестициявий дастур доирасида тармоқда 2021 йилда қарийб 300 миллиард сўм миқдорда сармоа ўзлаштирилиши, шундан 76,3 миллиард сўми кафолатланмаган хоржий кредитлар ҳиссасига тўғри келиши мўлжалланган, — дейди уюшма раиси ўринбосари Қамариддин Сержаев. — Бу кўрсаткичлар 2022 йилда 344,5 миллиард сўми (шундан 86,7 миллиард сўмини кафолатланмаган хоржий кредитлар), 2023 йилда 386,1 миллиард сўми (шундан 92,2 миллиард сўми кафолатланмаган хоржий кредитлар) ташкил қилади.

Тахлиллар йирик корхоналар билан бир қаторда кичик қувватларнинг ҳам самардорлигини кўрсатяпти. Уюшма мутахассислари томонидан яратилган мой ишлаб чиқариш модули кичик чеҳи унинг амалий тасдиғи. Хозирга қадар ҳеч қаерда мўқибил бўлмаган бундай цехнинг ҳар бири кунига 5-10 тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга. Кичик контейнерга жойлаштирилган ушбу цехга ҳар қандай мойли маҳсулотни тозалаш, майдалаш, совуқ усулда преслаш, филтрлаш, рафинациялаш ва қадоқлаш ускуналари ўрнатилган. Уларнинг 75-80 фоизи маҳаллийлаштирилган.

Айни пайтда модуль цехларга наинки юртимизда, хорижда ҳам қизиқиш ортиб борапти. Масалан, яқинда афғонистонлик тадбиркорлар томонидан унинг 4 таси харид қилинди.

Бундан ташқари, тизим корхоналарида тиш ювish пастаси, озиқ-овқат эмульсификаторлари, атир совуқ, ўсимлик мойидан қаттиқ ёғ ишлаб чиқариш, соя ва пальма мойини қайта ишлаш бўйича замонавий корхоналар барпо этиш сингари истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

### СОЯ ЕТИШТИРИШГА НЕГА ЭЪТИБОР ОРТАЯПТИ?

Мамлакатимизда соя етиштирилган майдонлар кенгайиб борапти. Агар 2016 йилда 12 минг гектар ерда соя етиштирилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 57,1 минг гектарга етди, яъни 4 баробар ўсиш кузатилади. Бу йил эса сояни 39 минг 617 гектар ерда асосий экин сифатида, 100 минг гектарда ғўза қатор орасига экиш белгиланган.

Бунинг сабаби соя экиш ва уни қайта ишлаш самардорлиги ва манфаатдорлигига деҳқонлар ҳамда ишлаб чиқарувчилар амалда амин бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Чунки бу экин унчалик инжиқ эмас, шўрхок ерларда ҳам илдиз отаверади. Дони қайта ишлаш орқали қозил турдаги зарур озиқ-овқат ва чорва емиши олиш, импортни қисқартириш мумкин.

— Бир килограмм соя донидан 4 литр сут тай-

ёрласа бўлади, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова. — Ундан ҳайвонлар берадиган барча маҳсулотларни — сут, қатиқ, творог, пишлоқ, гўшт (қўй, мол, товуқ, гоз) маҳсулотларини олиш мумкин. Айтиш мумкинки, сигир боқошига имкони ва боғлаб қўйишга жойи йўқ оила соя донидан сут тайёрлаб, ўз оиласи эҳтиёжларини қондириши чўпчак эмас.

Чорвачилиқда ҳам ҳеч бир экин соя каби кўп озуқа бирлигига эга эмас. У 100 килограмм донидан 138 озуқа бирлигини сақлайди, ушбу кўрсаткич

нон жуда юмшоқ ва хуштаъм бўлади, анча кун мобайнида ўз ҳолатини йўқотмайди. Бу хомашёдан турли пишириқлар, болалар овқатлари, печенье-лар, кофе ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади. Саноатда линолиумлар, энг сифатли ва қимматбаҳо машина бўёқлари олинади. Умуман олганда, соя ўсимлигининг дони ва оқсилдан тўрт юз хилдан зиёд маҳсулот тайёрлаш мумкин.

Шу боис, Ангренадаги "Соя изоляти ишлаб чиқаришни ташкил қилиш" лойиҳаси доирасида иккиламчи маҳсулот сифатида йилгига 5 минг тонна соя текструти тайёрлаш маҳаллийлаштирилади ва сояни ёғсизлантириш жараёнида йилгига 4 минг тонна атрофда тўйинмаган ёғ қислоталари, шунингдек, миқдори 80 фоиздан ошадиган истеъмол мойи ва 200 тоннага яқин озуқавий лецитин олиниши йўлга қўйилади.

Яна бир йирик лойиҳа Ғузор туманида амалга оширилмоқда. Ўтган йили "Canadian soy integrated production" қўшма соҳнаси фойдаланишдан чиққан қир-адриликлардаги ерларнинг 1700 гектарига соя эккан бўлса, бу йил уни янада кенгайтиришни мўлжалламоқда. Лойиҳада соя дони, поясию баргини қайта ишлаш асосий ўрин тутади. Аҳоли учун экологик тоза, сифатли соя мойи акратиб оладиган ёғ заводини қуришга олти миллион доллар, паррандачилик ва чорвачилик учун соя широти, табиий органик ўғит ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга эса қарийб ўн миллион доллар йўналтирилади. Тупроқ унумдорлигини ошириш ёки ўсимликдан соф азот қолдиришини кўпайтиришда кўл келувчи махсус нитрагин ёки нитрофорин штаммларини ишлаб чиқариш ҳам назарда тутилмоқда. Умуман олганда, лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, 2 730 та янги иш ўрни вужудга келиши кутилмоқда.

### НАРХ-НАВОГА ДИОР МАЪЛУМОТЛАР

Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва етарлиги халқ розилигининг асосий омилларидан биридир. Буни таъминлаш мақсадида сўнгги 3 йилда мамлакатимизда озиқ-овқат, чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун 28 триллион сўм кредит маблағлари ажратилган. Биринчи чорвачилик йўналишида 11 триллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Бундан ташқари, коронавирус пандемиясининг нарх-навога таъсири инобатга олиниб, ўтган йил апрель ойидан бошлаб асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импортни боғхона тўловларидан озод қилинган.

Лектин шу каби чоралар қўрилишига қарамай, ўтган йилга келиб дунё бозоридида ўсимлик ёғи нархининг ошиши 20 фоизга ҳам етмаган бир пайтда, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати бўйича шарҳида қайд этилишича, юртимизда ёғ ва мой маҳсулотларининг нархи ўртача 26,9 фоиз ўсган.

Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмаси маълумотларига қараганда, 2021 йилнинг январь-февраль ойлари давомидида мамлакатимизда ўсимлик ёғлари нархи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17-18 фоиз ошиши кузатилган. Кейинги пайтда фақат пахта ёғи нархининг барқарорлиги сақланиб турибди. Хусусан, Ўзбекистон республикаси товар-хонашў биржасининг шу йил 15-19 мартдаги котировкасида пахта ёғининг бир литри 11 712 сўми ташкил этиб, аввалги ҳафтадагига нисбатан 0,3 фоиз пасайди.

Мамлакатимиз чигитни экспорт қилмайди. У, асосан, пахта ёғи олишда ишлатилади. Демак, экин майдонлари қисқарганига қарамай, унинг ҳосилдорлиги қанча оша, чигит шунча кўпаяди ва бу, ўз навбатида, пахта ёғи истеъмол нархининг барқарорлигини таъминлашга, чорва озқалари кўпайишига хизмат қилади.

Кейинги ойларида ҳам дунё бозоридида аксар озиқ-овқат маҳсулотлари каби ўсимлик ёғи нархларининг ўсиши кузатиляпти. Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмаси раиси ўринбосари Қамариддин Сержаевнинг таъкидлашича, юртимиз аҳолисининг ёғ-мойга бўлган эҳтиёжининг катта қисми импорт ҳисобига қопланади. Бу эса нарх-наво беқарорлигига катта таъсир кўрсатади. 2019 йили Россияда 15 миллион тоннадан кўпроқ мойли хомашё етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 12,5 миллион тоннани ташкил этди. Шунинг учун Россия ўз бозорини химоя қилиш чораларини кўрпяпти. Жумладан, 2021 йилнинг 9 январидан 30 июнигача бўлган даврда Россия ҳукумати мамлакат ташқарисига олиб чиқилмаган кунгабоқар ва рапс донига экспорт божини 30 фоизгача оширди, унинг пастки чегараси бир тонна учун 165 евро этиб белгиланди. Бунгача рапс ставкаси боғхона қиймати 6,5 фоизни ташкил этарди, аммо тоннаси учун 11,4 евродан кам бўлмаган, кунгабоқар дони учун 6,5 фоизга тўғри келган, лекин тоннаси учун 9,75 евродан кам бўлмаган.

Юртимизга хомашёнинг қиммат кириб келиши пировардида ёғ-мой маҳсулотлари нархи ошишига олиб келди.

### МАВЖУД МУАММОЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

— Мамлакатимиз аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган йиллик талаби 475 минг тоннани ташкил этгани ҳолда ёғ-мой корхоналари томонидан 259 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, — дейди Қамариддин Сержаев. — Бошқачароқ қилиб айтганда, талаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 55 фоиз таъминланмоқда, ички бозор эҳтиёжининг 45 фоизи эса импорт ҳисобига қопланмоқда. Аслида қувватларимиз эҳтиёжини қоплашга етди. Чунки тармоқда 425 минг тонна ўсимлик мойи, 61 минг тонна маргарин маҳсулотлари ва 105 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Лекин хомашё базаси чегараланган. Бу муаммони бартаграф этиштининг асосий йўли битта, у ҳам бўлса, мойли экинлар етиштиришни кўпайтиришдир. Тўғри, сўнгги йилларда бу борада сезиларли даражада ишлар олиб борилди. Мисол учун, мойли экинлар экиш республикамизда 2019 йилда 72,2 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 95,3 минг гектарга етди. Шунга қарамай, муаммо тўлиқ ечимини топмай келаётган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги "Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида"ги қароридида мавжуд муаммони тубдан барҳам топтириш назарда тутилган. Чунки, унга мувофиқ, жорий йилда 305 минг гектар майдонда мойли экинлар етиштирилади. Бунда худудлар бўйича асосий экин сифатида 125 минг гектар ерга соя, кунгабоқар, кунжут ва рапс уруғи қадалади. Жумладан, 39 минг 617 гектарда соя, 5 мингдан ортиқроқ майдонда кунгабоқар, 28 минг гектардан кўпроқ ерга кунжут экилиши режалаштирилган. Шунингдек, 100 минг гектар ердаги ғўза қатор орасига соя экилади, 21 минг 431 гектар лалми майдонда мойли экинлар — махсар ва зигир етиштирилади. Ғалладан бўшаган майдонлардан ҳам самарали фойдаланиш кўзланяпти. Жумладан, иккинчи экин сифатида 55 минг гектар майдонга кунгабоқар ва 3 минг 67 гектарга кунжут экилиши белгиланган.

Шу боис, ҳозирги кунда барча худудларда мойли экинлар турларини етиштириш ҳажмларини кескин ошириш, уни етиштиришда замонавий технологияларни қўллаш эҳтиёжи юзга келди. Майдонлар ҳажмини ошириш билан бирга, худудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда зайтун ўсимлигини плантация усулида етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда жорий йилда Сурхондарё ва Қашқарда вилоятларида 530 гектар ер ажратилади.

Шу рақамлар ҳам кўрсатиб турибдики, 2021 йилда экилаётган мойли экинлар майдони рекорд кўрсаткичи ҳисобланади.

— Бунинг натижасида 400 минг тоннадан кўпроқ хомашё жамғарилади ва уни қайта ишлаш ҳисобига қўшимча равишда ички бозорга сифати юқори ўсимлик мойи ва шрот етказиб берилади, — дейди Қамариддин Сержаев. — Бу импорт сифатида кириб келаётган юқори қийматли тайёр ўсимлик мойи ва чорва озқаси ҳажми кескин қисқаришига ва нархлар барқарорлигига замин яратади.

### ЯНА ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БОР?

Мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кескин ошириш ҳам энг долзарб масалалардан. Овқатда витаминлар бўлмаслиги ёки етишмаслиги инсон танасида моддалар алмашинуви бузилишига ва авитаминоз касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу сабаб Президентимиз ташаббуси билан пахта экиладиган далалар йилдан-йилга қисқартирилиб, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилмоқда. Бу, биринчидан, аҳолини витаминга бой мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан, ёғ-мой саноати учун ноанъанавий хомашё етказиб беришга хизмат қилади.

Республикамизда ҳозирги пайтда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 240 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда уларнинг асосий хомашёси пахта чигити ҳисобланиб, йилгига ўртача 1,2 миллион тонна техник пахта чигити қайта ишланади ҳамда 200 минг тонна атрофда пахта мойли ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, йилгига ўрта ҳисобда 200-250 минг тонна соя ва кунгабоқар донларидан 80 минг тонна атрофда ўсимлик мойи аҳоли истеъмол учун етказиб берилмоқда.

Мамлакатимизга келтирилаётган ёғ-мой маҳсулотлари ҳажмини камайтириш мақсадида айни пайтда мавжуд хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари қидирилмоқда. Тахлилларга кўра, юртимизда йилгига

1,75 миллион тонна узум, 2,16 миллион тонна томат (помидор), 2,88 миллион тонна полиз маҳсулотлари (1,05 миллион тонна қовун, 1,37 миллион тонна тарвуз, 0,44 миллион тонна қовоқ), 2,76 миллион тонна мева (435 минг тонна ўрик, 74 минг тонна анор ва бошқа) етиштирилмоқда. Бундан ташқари, фермерлар ва деҳқон хўжаликлари томонидан ҳар йили 20 минг тонна атрофда зигир, 15 минг тонна кунжут ва бошқа мойли экинлар хомашёси тайёрланади. Консерва саноатида катта миқдорда иккиламчи хомашё сифатида ишлатиладиган помидор, анор, узум уруғларининг асосий қисминдан бугунги кунда чорва ва паррандачилик учун озуқа сифатида фойдаланилмоқда, холос.



— Республикаимизда мавжуд тизимлар катта миқдордаги, асосан, бир турдаги хомашёни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, уларда кам миқдордаги хомашё (масалан, узум, қовоқ, қовун уруғи)ни қайта ишлаш имконияти мавжуд эмас, — дейди "Ўзёғмойсаноат" уюшмаси матбуот котиби Фахриддин Калонов. — Бундай хомашёларни қайта ишлаш учун эса ишлаб чиқариш қуввати кичик (бир соатда бир неча килограммдан бир неча юз килограммгача) қурилмалар талаб этилади.

Тадбиркорларимиз тайёрлаётган шундай ускуналар фермер ва шахсий хўжаликлар учун икчам ва қулай бўлиб, аҳоли томонидан етиштирилаётган кам миқдордаги уруғларни самарали қайта ишлаш имкониятини берибгина қолмай, уларни иш билан таъминлаш даражасини ҳам яхшилайди. Узум, анор, қовун, тарвуз ва қовоқ каби маҳсулотлар уруғларидан олинган мойлар шифобахшлиги билан ажралиб туради. Таркибиди инсон организми учун жуда муҳим бўлган 50 фоизгача ёғ қислоталарини мавжудлиги уларнинг бошқа мойларга нисбатан устунлигини кўрсатади.

Масалан, мамлакатимизда ўрикнинг ялли ҳосили 435 500 тоннани ташкил этади. Шундан 75 минг тоннаси қуритилмоқда ва 59 минг тоннаси натурал ҳолда экспортга йўналтирилмоқда. Қолган қисми (300 минг тонна атрофда) истеъмолга йўналтирилади ва унинг 60 минг тоннасини (20 фоиз) данак ташкил қилади. Унинг мойлилик даражаси данак массасига нисбатан 10 фоиз (мағизга нисбатан 50 фоиз)дир. Агар 20 фоиз унинг данаги мой ажратилиши йўналтирилса, унинг миқдори 12 минг тонна чиқади.

Ёнғоқ, ернғоқ, ўрик данаги, кунжут, зигир ва узум уруғларидан совуқ усулда преслаш йўли билан мой олинганда, улар шифобахш ҳисобланиб, рафинациялаш жараёнини талаб қилмайди. Бу мойлар органолептик ва физик-кимёвий қўрсаткичларига кўра, одатда рафинацияланмасдан туриб истеъмолга яроқли ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда ушбу шифобахш ёғларга талаб тобора ошиб борапти. Демак, республикамизда мазкур соҳага эътиборни қўйиш мақсадага мувофиқ бўлади.

Аслида бу соҳани ривожлантириш натижасида, биринчидан, исроф бўлаётган хомашёни қайта ишлаб, импорт ҳажмини муайян миқдорга қисқартириш, шифобахш мойларни экспортга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Иккинчидан, аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган талабининг муайян қисми ўзи етиштирган хомашё ҳисобидан қопланади.

Учинчидан, аҳолининг ўсимлик мойларига бўлган бугунги кундаги талаб, асосан, пахта, кунгабоқар, соя ва қисман махсар ҳамда зигир мойларига ҳисобидан қопланмоқда. Лекин таркиби ўзига хос шифобахш хусусиятга эга бўлган мойлар ишлаб чиқарилиши аҳоли саломатлигини сақлашга, кўпга касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон беҳисоб неъматларга бой ўлка, аммо улардан самарали фойдаланишга, исрофдан сақланишга ҳам эътибор қаратиб келяпмиз. Юқориди санаб ўтилган уруғларни исроф қилмай, қайта ишлашга йўналтиришнинг ўзи йилгига 16-18 минг тонна шифобахш мойлар ишлаб чиқаришга замин яратади.

ТАЪЛИМ

# ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА ФАОЛИЯТ ЮРИТА ОЛАДИГАН ЮРИСТ-МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**Ойбек ТОШМАТОВ,**  
**ТДЮУ хорижий тиллар кафедраси мудири**

Бугун юртимизда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, соҳани халқаро миқёсга олиб чиқиш, малакали кадрлар тайёрлаш, таълим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, катта куч ва маблағ йўналтириляпти.

(Япония) билан ҳамкорликда Япон ҳуқуқини ўрганиш маркази ташкил этилди. Ушбу марказ япон тили ва ҳуқуқини биладиган малакали кадрлар тайёрлаш, академик ал-машинув ва қўшма илмий тадқиқотлар олиб боришга кўмаклашади. Шунингдек, ўтган йил Регенсбург университети (Германия) билан ҳамкорликда немис тили ва ҳуқуқини биладиган малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган Немис ҳуқуқи ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар маркази иш бошлади. Хитой олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда хитой ҳуқуқини ўрганиш маркази ташкил этилди. Етақчи япон, немис ва бошқа чет эллик олимларнинг юридик фанлар бўйича ўқув адабиётлари туркумини давлат тилига таржима қилиш ва чоп этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширил-ляпти.

2021-2022 йилларда хорижий давлатларнинг етақчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда профессор-ўқитувчи ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировка-ларни ташкил этиш доирасида ҳам муҳим ишлар йўлга қўйилди. Ҳар бир факультетга чет эллик мутахассислар, профессорлар, хорижий тил бўйича педагоглар жалб қилинди.

Марказлар фаолияти, хорижий мутахассислар билан таълим алоқаси ҳамда нуфузли халқаро олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик масалалари хорижий тиллар пухта эгаллаш даражаси билан бе-восита боғлиқ. Қолаверса, бу давр талаби бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда давлатимиз ва фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқларини чет эл ва халқаро ташкилотлар даражасида ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлмоқда ва бу талаб бундан кейин янада ошиши шубҳа-

сиз. Масалан, ҳозирги кунда халқаро арбит-ражларда ўз позициясини қатъий билдира оладиган, мамлакатимиз ва фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқларини дадил ҳимоя қиладиган ма-лакали юристларимиз йўқ ҳисоби. Шу боис, давлатимиз чет эл ва халқаро судларда ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун хорижий юридик консалтинг фирмалар ёрдамига тая-нишга мажбур бўлмоқда. Халқаро даражада-ги малакали юрист бўлиш, хорижий юридик компаниялар, халқаро арбитраж иш юриту-вида иштирок этиш имкониятини кўлга ки-ритиш учун хориж тилини мукамал билиш зарур. Бу эса асосий мутахассислик билан бирга хорижий тилларни ҳам мукамал би-ладиган юридик кадрлар тайёрлашни тақозо қилади. Шу сабабли университетнинг хори-жий тиллар кафедраси бошқа факультет ва кафедралар билан ўзаро ҳамкорликда тала-баларни чет тилларни ўрганишга кенг жалб қилиш, қизиқишларини ошириш мақсадида янги, замонавий ва инновацион методларни қўллашга ҳаракат қилмоқда.

Жиноий одил судлов факультети юридик адабиётларни таржима қилиш учун инглиз ва ўзбек тилларини пухта биладиган тала-балар жамоасини тузаяпти. Талабалар унга аъзо бўлиб, инглиз ва ўзбек тилларида-ги ҳуқуқий терминларнинг асл ва муқобил шакллари, соҳага оид халқаро ҳуқуқий ада-биётларни ўқиб-ўрганиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, бу талабалар Sweet & Maxwell китоблари таржимонлари рўйхати-га киритади. Таълим маскани тайёрлаётган юридик кадрларнинг халқаро даражада етуқ мутахассислар бўлиб етиштиришда хорижий тиллар бўйича профессор-ўқитувчилар ҳам фаол иштирок этади.



Бундан бундан Тошкент давлат юридик уни-верситети фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Университетда Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида назар-да тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган қатор чора-тадбир-лар белгиланган. Таълим сифатини ҳамда ўқитувчилар илмий салоҳиятини ошириш, университетнинг халқаро ташкилотлар рей-тингидаги ўрнини юксалтириш шулар жумла-сидан.

Сўнги бир йил мобайнида 30 дан ортиқ диссертация ҳимоя қилинди, университет-нинг илмий салоҳияти 38 фоизга етди, про-фессор-ўқитувчиларнинг 70 дан ортиқ мақо-ласи халқаро олий аттестация комиссияси ҳамда нуфузли Scopus халқаро илмий база-сига киритилган журналларда чоп этилди.

Таълим муассасамиз Вазирлар Маҳка-масининг 1991 йил 15 августдаги қарорига мувофиқ Тошкент давлат юридик институти сифатида ташкил этилган, 2013 йилда эса Тошкент давлат юридик университетига ай-лантирилган. Шу йил унинг ташкил топанга-га 30 йил бўлади. Адлия вазирлиги Тошкент дав-лат юридик университетининг 30 йиллигини нишонлаш тўғрисида буйруқ қабул қилди. Айни пайтда университетда ана шу санани нишонлашга қизғин тайёрлик қўрилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 29 апрел-да қабул қилинган “Ўзбекистон Республика-сида юридик таълим ва фанни тубдан та-комиллаштириш тўғрисида”ги фармонида белгиланган мақсад-вазифалар ижроси до-ирасида университетда Наоя университетини



ЖАРАЁН

# ИНВЕТОР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

**Музаффар БОБОНАЗАРОВ,**  
**Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси**

Иқтисодиётда инвестицияларнинг ўз ўрни бор. Шунга қарамай, инвестициявий низоларни ҳал қилишда мамлакатимизда қўлай сармоявий муҳитнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар хил ёндашув ва сансалорликларга йўл қўйиш ҳолатлари кузатилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Муқаддам амалда бўлган қонунчилик талаби-га кўра, инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвесторлар билан боғлиқ низолар туманлар-ро, туман ва шаҳар даражасидаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан ҳал қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада тако-миллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги фармонида фуқароларнинг одил суд-ловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бу ўринда, хусусан, судларда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳамда самарали ҳи-моя қилиш масаласи ҳақида сўз бормоқда.

Шу мақсадда 2021 йил 12 январда “Суд қарор-ларини қайта кўриш институти тақомиллашти-рилиши муносабати билан Ўзбекистон Респу-бликасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур меъёрий ҳужжат билан Иқтисодий процессуал кодексига иқтисодиёт соҳасида инвесторлар ҳамда давлат органлари ўртасидаги инвестициявий шартномалардан кели-б чиқадиган низолар бўйича ва рақобатга оид ишларни тааллуқлилиги ва тегишлилигига оид нормалар киритилди.

Жумладан, ийрик инвестор ва рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар Олий суднинг инвести-циявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби томонидан кўри-лиши, қолган инвестициявий низолар эса инвес-торларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифа-тида кўрилиши белгиланди.

Ўз ҳудудимиздан мисол келтирсак. Биргина Хоразм вилоятидаги иқтисодий судлар томони-дан инвестиция фаолияти билан боғлиқ 2019 йилда 8 та, 2020 йилда 6 та, 2021 йилнинг ўтган икки ойида 4 та низо ҳал этилди. Инвестиция-вий низоларнинг долзарблиги ва қай даражада муҳимлигига қараб кўриб чиқилиши ишнинг сифа-ти ва ўринли ҳал этилишига олиб келади.

Хусусан, судга келиб тушган ариза асосида ўрганишлар давомида маълум бўлишича, Дав-лат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси, “R.S” масъулияти чекланган жамияти (исм ва ташкилот номлари ўзгаририлди) ва Урганч туман ободонашти-риш бошқармаси ўртасида 2020 йил 24 август-да 82-сонли “Урганч тумани “Коравул” кишлоғи, “Бустон” маҳалласида жойлашган Ёнгин хавф-сизлиги бўлими 12-қабиллаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмининг эски биноси”ни инвести-циявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилан-ган ҳолда, ўрнатилган тартибда харид қийматида сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилган. Бироқ, жавобгар томонидан тўловлар қисман амалга оширилган ва натижада унинг даъвогар олдига 306.253.592 сўм кредиторлик қарздорли-ги вужудга келган. Мазкур қарздорликни тўлаб беришни сўраб, даъвогарнинг жавобгарга юбор-ган оғохлантириш хати ижросиз ва жавобсиз қол-дирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодек-сининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар маж-бурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талаб-ларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйилмайдиган бошқа талабларга муво-фиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Бундай ҳолатда суд даъвогарнинг асосий қарз суммасини ундириш талабини асосли деб ҳисоб-лаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни ва ушбу қис-м юзасидан суд ҳаражатларини жавобгар зимма-сига юклашни лозим деб топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисо-дий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳо-латларни исботлаши керак.

Мазкур Кодекснинг 118-моддасига кўра, суд ҳаражатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари микдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юк-латилади.

Баён этилганларга асосан, суд даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантиришни, суд ҳа-ражатларини жавобгар зиммасига юклашни, лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзе-бекистон Республикаси Иқтисодий процессуал ко-дексининг 68, 118, 176–179, 180-моддаларини қўллаб, суд қарорига асосан “R.S” масъули-яти чекланган жамиятидан Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига белгиланган қарздорлик суммаси ундирили берилди.

Иқтисодий процессуал кодексига киритил-ган янги 301-модда билан эса, инвестициявий низолар бўйича вазиятлар янада ойдинлаш-ди. Жумладан, инвестиция шартномалари-ни тузиш, ўзгариштириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги, инвестиция шарт-номасининг бажарилиши билан боғлиқ низо-лар, инвестиция шартномасидан келиб чиқ-адиган солиқ, божхона, ижтимоий, экологик ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томони-дан бажарилиши билан боғлиқ, инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар кириши белгиланб қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу Кодекс яна 302-мод-да билан тўлдирилди. Мазкур янги модда юридик шахслар, шу жумладан, чет эл юри-дик шахслари, ҳўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда моно-полияга қарши органлар ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муно-сабатлардан келиб чиқадиган низолар рақо-батга оид ишлар жумласига кириши ҳақидаги нормалардан иборат.

Қуйидаги бир вазиятни адолатли ҳал этишда ушбу модда қўл келди, дейишимиз мумкин. Хусусан, Даъвогар “Д” бошқармаси Шовот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарлар фуқаро “А” ва “В” масъулияти чекланган жа-мияти ҳамда учинчи шахс туман ҳокимлиги ўртасида 2020 йил 17 февралда тузилган 6-сонли уч томонлама олди-сотди шартно-маси ва унга 2020 йил 20 мартда тузилган 23-сонли қўшимча қелишувни бекор қилиш ҳамда 42 000 000 сўм жарима ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатлари ва суд мажлиси муҳокамаси-дан аниқланишича, “Д” бошқармаси, фуқаро “А” ҳамда туман ҳокимлиги иштирокчида Шовот ту-мани, Ўзбекистон кишлоғи, “Махтумқули” маҳал-ласи ҳудудида жойлашган “Сув иншооти бино-си”ни инвестиция мажбуриятлари эвазига “ноль” харид қийматида сотиб олиш бўйича 2020 йил 17 февралда уч томонлама 6-сонли олди-сотди шартномаси тузилган.

Кейинчалик, тарафлар ўртасида 2020 йил март кунини қўшимча қелишув имзоланиб, унга кўра харидор фуқаро “А” таъсисчилигида “В” масъулияти чекланган жамияти ташкил қилин-ганлиги муносабати билан 6-сонли олди-сотди шартномаси бўйича барча ҳуқуқ ва мажбурият-лар ҳамда жавобгарлик “В” масъулияти чеклан-ган жамияти ва фуқаро “А” зиммасига ўтган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномага кўра, харидор мазкур шартноманинг 2-иловасига мувофиқ, 280 000 000 сўм миқдордаги инвести-ция мажбуриятларини ўн икки ой мuddат ичида бажаради, объект негизда қишлоқ ҳўжалик маҳ-сулотларини сақлаш омбори ва тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қи-лиш лозим бўлган.

Бироқ, жавобгар томонидан инвестиция маж-буриятларини шартнома бўйича белгиланган мuddатларда ва микдорда бажармаганлиги ҳо-латлари судда ўз тасдиқини топанлиги сабаб-ли, суд тарафлар ўртасида тузилган олди-сот-ди шартномаси ва қўшимча қелишувни бекор қилган ва жавобгардан даъвогар фойдасига 5 880 000 сўм жарима ундирилган.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, бу борадаги муҳим янгилик — инвесторлар ҳуқуқларини муносаб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бў-йича махсус судлов таркиби ташкил этилган-лиги бўлди.

Олий судда инвестициявий низолар бўйича махсус судлов таркибининг ташкил этилиши, ушбу тоифадаги ишлар бўйича алоҳида судлов-лик қондаларининг белгиланиши инвестор-ларнинг низоларни ҳал қилиш учун турли суд инстанциялари ўртасида сарсон бўлишининг ол-дини олади. Уларнинг муаммолари битта судда ҳал қилинишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, айни вақтда соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асл моҳи-яти инвестициявий муҳитнинг жозибадорлигини янада ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда шу орқали халқ фаровонлигига эришиш-дир.

Инвесторлар, шу жумладан, чет эл инвестор-ларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг тақомилла-шиши эса, инвестициявий низолар тез ва самар-али ҳал қилинишига, ягона суд амалиёти таъ-минлинишига кўмаклашади.

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ

**Башорат ЮНУСОВА,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Мамлакатимизда сўнги йилларда аниқ фанлар, жумладан, математикани чуқур ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари Олий Махлисага Мурожаатномасида “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учтинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улўғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улўбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”, деганди.



# МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЧУҚУР ЎҚИТИШ ЮРТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Мамлакат ва жамият тараққиётининг асо-сий кўрсаткичлари таълим ва илм-фан рив-ожи билан белгиланади. Улар тараққиёти эса бевосита эътибор, шароит ва имкониятлар билан боғлиқ. Бу борада мамлакатимизда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Фармон ва қарорлар имзоланиб, уларни амалга оши-риш механизмлари ишлаб чиқилган. Давла-тимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган йили илк бор математика, кимё-биология ва ге-ология фанлари таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди, уларни комплекс ривожлантиришга киришилди.

Ўзбекистон математиклар жамиятининг Тошкент давлат транспорт университетиди

ўтказилган кўча йиғилиши ҳам шу йўлдаги қадамлардан бириди. Президентимизнинг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган йиғилишда Ўзбекистон ма-тематиклар жамияти академиклари ҳамда республика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар ишти-рок этди.

— Мамлакатимизда математика фанини ўқитишга эътибор кучаяётгани бежиз эмас. Бу, айниқса, транспорт соҳасида яққол на-моён бўляпти, — деди Тошкент давлат

транспорт университети ректори Одил Абдурахмонов. — Транспорт тармоғи тобо-ра кенгайиб, соҳада ишлаб чиқариш хара-жатларини камайитириш, уларни ҳал этишда мутахассисларнинг математикадан тайёр-гарлигини ошириш, таъбиқий математикани ишлаб чиқариш билан яқинлаштириш зару-рияти кучаймоқда. Рақамли иқтисодиёт, ўз навбатида, математик тадқиқотларни ама-лиётда қўллаш эҳтиёжини тезлаштирди. Бу-гунги технологиялар даврида математик би-лимлар билан қуролланган муҳандисларга талаб ва эҳтиёж ортмоқда. Бу эса дарслар жараёнида фанларнинг ўзаро интеграция-лашувини талаб этади. Айни пайтда уни-верситетимизда илмий изланишлар олиб бора-ётган ёшлар жуда кўп. Бугунги анжуманининг профессор-ўқитувчиларимиз илмий фаоли-ятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шунингдек, талабаларнинг дарс ва амалиёт жараёнида математика фанидан оладиган билимлари аҳамиятини чуқур англашига ёр-дам беради, деб ўйлайман.

Йиғилишда академиклар Шавкат Алимовнинг “Муҳандислик масалаларини математик моделлаштириш”, Азимбой Саъ-дуллаевнинг “Техник масалаларни ҳал қи-лишга комплекс ўзгарувчан функцияларни қўллаш” мавзусидаги маърузалари тинглан-ди. Шунингдек, йиғилиш доирасида Фанлар академияси В. Романовский номидаги Ма-тематика институти билан Тошкент давлат транспорт университети ўртасида меморан-дум имзоланди.

Мазкур меморандум университетда ма-тематика фанини ўқитиш сифатини юқори даражага кўтариш, муҳандислик соҳасида математик моделларни қўллашга имкон яра-тади.

НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

# ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЯТИНИНГ ҚУЁШИ



Бошланиши 1-бетда

Саммитда Президентимиз кенгаш фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бениҳоя муҳим тақлифларни илгари сурди. Ўзаро иқтисодий алоқаларни кучайтириш, Туркий кенгашнинг ўз Инвестициявий жамғармаси ҳамда Тараққиёт банкига эга бўлиши, минтақамизнинг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш, Кенгаш доирасида Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш, "Туркий дунёнинг маданий пойтахти" мақоми олинган Хива шаҳрида сентябрь ойида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзусидаги халқаро форумда ҳамжihatликда иштирок этиш — бу тақлифлар наинки бугунги кун, балки узоқ истиқболга мўлжаллангани билан алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон томонидан билдирилган тақлифлар кенгашга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Бу тақлифларнинг ҳар бири замирида эзгу ният, етук сиёсий ирода, узоқни кўра билуш салоҳияти мужассам экани жиҳатидан халқимиз кўнглида келажакка бўлган ишонч туйғусини кучайтирди.

Адабиётшунос бўлганим учун Президентимизнинг бир тақлифи менда алоҳида таассурот қолдирди. Бу — Туркий кенгашнинг илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришни кўзда тутуви Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ҳақидаги тақлифдир. Буюк мутафаккир бобокалонимиз таваллудининг 580 йиллиги муносиб нишонланаётган йилда бу тақлифнинг қўллаб-қувватланганида, айниқса, улкан рамзий маъно бор.

Қуёш ёғду сочиб турар экан, зулматга ўрин қолмайди. Табиатнинг бу қонуни инсоният жамияти ҳаётига ҳам бирдай дахлдордир. Миллий адабиётимизни жаҳон бадиий-эстетик тафаккурининг чуққисига олиб чиққан буюк Алишер Навоий ўзбек ва қардош туркий халқлар маънавиятининг завол билмас қуёшидир. Аслида, улуг бобокалонимизни қуёшга ташбеҳ этиш янгилик эмас. Замондоши Давлатшоҳ Самарқан

дийнинг мана бу сўзлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди: "Офтобни таърифлаш ақл қисқалигидан нишона, тоза мушқ фазилати ҳақида қиссани чўзиш жоҳиллик аломатидир. Бу улуг амирнинг мақбул ишлари ва кутлуғ зикри рубъи маскуннинг барча мамлакатларида маълум, фазилатининг дабдбаси ва олий химматининг камолоти бутун оламга ёйилгандир... Бу улуг амир дин-у давлат ҳомиysi, миллат ва шаритнинг пушти паноҳидир". Ёки Хусайн Воиз Кошфий фикрича: "Амир Навоий камолот осмондаги юлдуз, буюклик чўққисидан нур сочар қуёшдир". Ҳақиқатан, буюк мутафаккир асарлари неча замонлардан буюн қуёш янглиғ адабиётсеварлар қалбини маърифат ёғдулари билан мунаввар этиб келаяптир.

Улуг мутафаккирнинг миллат олдидаги хизматларини таърифлашга тил ожиз, уларни ўлчайдиган мезонни топиш маҳол, муносиб даражада баҳолаш имконсиздир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи "Лисон ут-тайр" дostonида зиммасидаги буюк миссияни қандай адо этганини фахрия йўлида мана бундай изҳор этган эди:

**Турк назмида чу мен тортиб алам  
Айладим ул мамлакатни якқалам.**

Ҳақиқатан, ҳазрат Алишер Навоий туркий халқларни ягона адабий тил, юксак адабиёт байроғи остида бирлаштирди. Миллат бадиий-эстетик тафаккурини жаҳоний миқёсга олиб чиқди. Хўкмдор дўсти Султон Хусайн Бойқаро таъбири билан айтганда: "Туркий тилининг ўлган жасадида Масиҳ анфоси бирла рух киюрди". Шунинг учун ҳам туркий халқлар олимлари барча даврларда буюк мутафаккир ижодида юксак баҳо берган. Қиёси йўқ бу ижоднинг умумбашарий аҳамияти бугун ҳам таъкидлаб келинади. Машҳур турк олими Оғох Сири Левенд мана бундай ёзган эди:

"Алишер Навоийни замондошларидан ва барча уммат даври шоирларидан ажратиб турган жиҳат — унинг адабий идрокидир. Навоий ўз асарларини фақат шеър айтиш, асар соҳиби бўлиш, илм ва санъатда устунлигини кўрсатиш фикри билан эмас, муайян бир мақсад билан қаламга олди. Унинг адабиётдаги орузси — туркий адабиётни тарқоқлидан халос этиб, унга аниқ бир йўналиш бермоқдир". "Хамса"ни озарбайжон тилига тўлиқ таржима қилган шоир ва олим Рамез Асқар улуг бобокалонимизни: "Туркий халқларнинг энг буюк шоири ва мутафаккири. Унгача ва ундан кейин ҳам туркий ада-



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

биётни бу қадар юксалтирган ижодкор бўлган эмас", дея эътироф этади. Озарбайжон олимаси Алмаз Улвий бутун илмий салоҳиятини навоийшуносликка бағишлади. Икки қардош халқ адабиётини қиёсий тадқиқ этган олима буюк Навоий таваллудининг 580 йиллиги арафасида "Алишер Навоийнинг асри ва насри" номи билан йирик монография чоп эттирди. Бундай мисолларни саноксиз келтириш мумкин.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг энг буюк хизматларидан бири туркий тилининг юксак мақомини белгилаб бергандир. Буюк мутафаккир "Муҳокамат ул-луғатайн" асаридан она тилимизни оламшумул мавқеини баҳолаб экан: "...туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншайидур", дея таърифлайди. Бу ҳазилакам гап эмас. Маншай — бу сўз "Навоий асарлари луғати"да "бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши", дея изоҳланган. Демак, бобокалонимиз англитишча, бизнинг тилимиз дунёдаги бошқа асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тиллардан ва биз жаҳоннинг энг қадим миллатлариданмиз. Туркий халқларнинг замонавий тилшунослиги ана шу ҳақиқатни илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботлаш йўлидан бормоғи керак.

Буюк мутафаккир ўз замонида она тилимиз ҳимоячиси, миллат ориятининг посбони сифатида майдонга чиқди. Туркий тилда "Хамса" даражасидаги юксак бадиият намуналарини яратиб бўлмаслиги ҳақидаги ноҳолис қарашларни бутунлай инкор этди. "Муҳокамат ул-луғатайн"

да туркий ва форсий тилни қиёсий таҳлил этар экан, она тилимизнинг ифода имконияти бениҳоя устун, фасоҳат ва балоғат бобида беқиёс эканини аниқ мисоллар орқали илмий асослаб берди. Биргина далил. Асарда "кўк" сўзи хусусида мана бундай фикрлар ёзилган: "... кўк лафзин ҳам неча маъни била истеъмол қилурлар. Бири кўк — осмонни дерлар. Яна кўк оҳанедур. Яна кўк теграда кўкламакдур. Яна кўк қадоғни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва уланени даги дерлар. Бу наъв алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортуроққим, ирода қилса бўлғай, кўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур".

Мазкур асарда туркий тилининг бойлиги ва ифода имконияти нечоғлиқ катта экани назарий жиҳатдан далилланган бўлса, "Хамса" асар орқали амалда ҳам ўз тасдиғини топди. Буюк шоир туркий сўзнинг мавқеини нечоғлиқ юксалтирганини "Фарҳод ва Ширин" дostonида мана бундай изҳор этган эди:

**Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.  
Олибмен тахти фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.  
Хуросон демаким, Шеркуз Табрэз —  
Ки, қилмишдур найи қилим шакаррез.**



**Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,  
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.  
Не мулк ичраки бир фармон йибордим,  
Анинг забтига бир девон йибордим.**

Дарҳақиқат, буюк Навоий туркий тилининг нуфузини юксакларга кўтарди. Уни шу миллатнинг ва ўзга халқларнинг ҳам жону кўнглига жойлади. Асл фарзанд сифатида миллатга ўчмас шараф келтирди.

**Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир сўзи дуру жавоҳир,  
ҳар бир мисраси тенгсиз хазина. Буюк мутафаккир асарларини ўрганиш бугунги замон ўқувчиси учун қомил ахлоқ ва юксак интеллектуал салоҳият манбаидир. Улуг шоир хикматлари ҳою ҳаваслар гўборидан хиралашган қалб кўзларини очиб юборади.**

**Ақлга қувват, тафаккурга қанот бағишлайди. Буюк шоир асарларини мутулаа қилган киши инсон нима учун яралган, у қайси йўлдан борса, маънавий қомилликка эришади-ю мукаммал жамият қай асосда барпо этилади, деган азалий ва абадий жумбоқларга ечим топади.**

Жамиятда буюк шахсиятлар қачон етишиб чиқади? Бунинг учун нима қилмоқ зарур? Улуг Навоий асарларида бу саволларга аниқ-тиниқ жавоблар берилган. Атоқли рус олими Евгений Бертельсининг: "Навоий ижоди музей кўргазмаси ҳам, тарихнинг парчаси ҳам эмас, у яшамокда ва яшайверади. Биз уни ўрганишимиз, аммо жуда кам ўрганишимиз. Ўзининг улуг фарзанди хотирасини кўз қорачиғида асраб-авайлаш ва унинг асарларини тинмай ўқиш ва ўрганиш ўзбек халқининг шарафли ишидир" деган сўзлари бугун ҳар биримиз учун қалб амрига айланмоғи зарур. Президентимизнинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқидан чиқаришимиз керак бўлган асосий хулоса ҳам буюк Навоийга юзланмоқдир. Зеро, буюкликнинг юзланиш, шубҳасиз, буюк натижалар беради.

НУҚТАИ НАЗАР



**Мирзоҳид БОТИРОВ,**  
Анджон давлат тиббиёт  
институтининг проректори

Жумладан, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг Интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини янада яхшилаш борасида яқин истиқболда бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг қўлама қанчалар кенг эканлигидан далолат беради. Бинобарин, ёт хуружларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш, геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам

Президентимизнинг "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинганини мамлакатимизнинг барча жонкуяр маънавиятчилари, зиёлилари қатори мен ҳам шодланиб кутиб олдим. Қарорда, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, жойларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш мақсадида ҳамкорлик тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган.

ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, гиёҳвандлик ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларнинг муҳим муаммо сифатида қўйилиши эса тизимда самарали ва изчил ишлар олиб борилишини кўрсатади.

Қарорда юртимиздаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозими жорий этилиши, уқув режаларига бақавлатрият босқичида "Маънавиятшунослик", магистратура босқичида "Қасбий маънавият" фанлари киритилиши

ҳамда магистратура таълим босқичида "PR-менежер" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланишининг белгилаб берилгани ҳам соҳа ходимлари зиммасига улкан вазифаларни юклайди.

Шунингдек, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган ҳамкорлик асосидаги маънавий-маърифий тадбирлар келгусида она Ватанимиз тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадиган, маънан етук ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам долзарблик касб этади. Бундан ташқари, айни соҳада муаммоли масалалар ечимига бағишланган илмий тадқиқотлар ёзишининг йўлга қўйилиши, уларни ечишда муҳим воси-

## УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУШТАРАКЛИГИ



та бўлиб хизмат қилади. Мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зиммасидаги улкан вазифалардан биридир.

Очилини айтадиган бўлсам, мен бу қарорни маънавий-маърифий соҳада

аниқ ва манзилли тақлифлар, дастурлар, қўлаётган натижалар, мезонлар ёритиб берилган Маънавий ҳаёт дастурига менгазим келди. Қарорда биз учун кейинги фаолият давримизда, соҳада амалга оширилиши мўл-

жалланган ва аниқ ечимини кутаётган муаммолар белгилаб берилган. Мен ишонаманки, ушбу маънавий ҳаёт дастурини англаш ва уни амалга ошириш йўлида олиб бориладиган ишлар келгусида ўз самарасини, албатта, беради.